

# Turkiston

1925-yildan chiqa  
boshlagan

«Kamolot» yoshlari ijtimoiy harakati  
Markaziy Kengashining nashri

[www.turkiston.uz](http://www.turkiston.uz)

2013-yil 28-sentabr, shanba  
№ 75 (15713)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## З.Ш.Рўзиевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-  
банди ва 102-моддасига ҳамда ҳалқ депутатлари Қашқадарё  
вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ;

Зафар Шаропович Рўзиев Қашқадарё вилояти ҳокими лаво-  
зимига тайинлансан, шу муносабат билан Ўзбекистон Республика-  
си Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 27 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ

## Т.И.Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-  
банди ва 102-моддасига мувофиқ;

Туробжон Икромович Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими  
лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 27 сентябрь

## ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, ҳурматли депутатлар!  
Қадрли дўстлар!

Авваламбор, барчангизни соғ-омон кўриб, сизларга, сизлар  
орқали бутун Қашқадарё аҳлига ўзимнинг чуқур ҳурматимни  
билдиришдан хурсандман.

Ҳаммангизга яхши маълум: Қашқадарё менинг ҳаётимда,  
менинг таассуротимда алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам  
Қашқадарё аҳли ва фаоллари билан кўп вақт учрашмасам, сиз-  
ларни соғиниб қолганимни сезиб тураман.

Бугун мана шу залда сиз, азизлар билан учрашувда мен худ-  
дики ўз яқин дўстларимни кўргандек бўламан. Минг афсуски,  
турли-турли ташвишлар Қашқадарёга кўпроқ келишга, сизлар  
билин учрашиб, жайдари қилиб айтганда, бемалол гурунг  
қилишга имкон бермайди.

Орадан қанча вақт ўтмасин, мен айни шу заминда сизлар  
билин яхши-ёмон кунларда бирга бўлганим, нон-тузингизни та-  
тиганим — буларнинг барчаси ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди.

Қашқадарё, ҳақиқатан ҳам, бағри дарё, бекиёс ўлка. Бу воҳа  
одамлари билан бирга ишлаш насиб этгани, ҳаётимнинг энг жўшқин,  
энг ҳаракатчан даврида мард ва тантн Қашқадарё аҳли билан бир  
тану бир жон бўлиб меҳнат қылганим, менга шундай ҳаёт мактаби-  
ни ўтаси бахтини бергани учун тақдирдан миннатдорман.

(Давоми 3-бетда)



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### «ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАБИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз маънавий-маърифий са-  
лоҳиятини юксалтириш, ёш авлодни она  
Ватанга муҳаббат, истиқолол ғояларига са-  
доқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар-  
га ҳурмат руҳида соглом ва баркамол воя-  
га етказишга қўшган салмоқли ҳиссаси,  
уларга фан асосларини ҳамда замонавий  
қасб-хунарларни ўргатишдаги жонкуярли-  
ги, таълим-тарбия соҳасидаги кўп йиллик  
самарали меҳнати ва жамоат ишларидағи  
фаол иштироки учун қуйидагиларга фах-  
рий унвонлар берилсин:

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

Атамуратова Ойтош Маматовна —  
Фузор туманидаги 34-умумий ўрта таълим  
мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси,  
Қашқадарё вилояти

Каримова Осиёхон Абдуқадировна —  
Кўргонтепа туманидаги 5-ихтисослашти-  
рилган умумий ўрта таълим мактабининг  
математика ва информатика фанлари ўқи-  
тувчиси, Андижон вилояти

#### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»

Қошанов Турғанбай Ережевич — Ну-  
кус туманидаги 1-умумий ўрта таълим мак-  
табининг кимё фани ўқитувчиси, Қорақалпо-  
ғистон Республикаси

Мухаммадиева Назокат Аноरбоевна —  
Дўстлик туманидаги 6-умумий ўрта таълим  
мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси,  
Жиззах вилояти

(Давоми 2-бетда)

Сардор Мулажонов фотополажи

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ**

# **«ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**(Давоми, боши 1-бетда)**

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Абдураимова Махпуба-  
хан Рузибаевна** — Наманган саноат касб-хунар колледжининг махсус фан ўқитувчisi, Наманган вилояти

**Бурибеков Анвархўжа  
Баххаулович** — Қибрай туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг тасвирий санъат ва чизмачилик фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Бўриева Оватой Мардановна** — Сариосиё туманидаги 27-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фанни ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Жўраев Исройл Нормуродович** — Бухоро мұхандислик-технология институти қошидаги 2-академик лицейнинг физика фанни ўқитувчи, Бухоро вилояти

**Каландаров Махмуд Са-  
мандарович** — Зарафшон саноат касб-хунар колледжининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Тошбаев Ботир Очилбаевич** — Пайариқ транспорт касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Самарқанд вилояти

**Туракулов Эрали Тошбу-  
ваевич** — Ёзёвон туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг белбоғли кураш бўйича мураббийи, Фарғона вилояти

**Уразов Рахматулла Ашу-  
ралиевич** — Боёвут туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фанни ўқитувчи, Сирдарё вилояти

**Хусайнова Халима** — Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали қошидаги 1-академик лицейнинг физика фанни ўқитувчи, Хоразм вилояти

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
СПОРТ УСТОЗИ»**

**Абдураманова Талия Халитовна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт мактабининг бадиий гимнастика бўлими бош мураббийи

**Юртимизда таълим тизими-  
ни замонавий асосда тако-  
миллаштириш, халқимизнинг  
маданияти ва маънавиятини  
юксалтириш, ёш авлодни ва-  
тантарварлик, миллий тояга  
садоқат руҳида баркамол этиб**

тарбиялашга кўшган муносаби ҳиссаси, кўп ийллик фидокорона хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун куйидагилар мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА  
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Джумаева Гулсара Мусурмановна** — Қумкўргон туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фанни ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Рузиколов Малик** — Тошкент шаҳридаги 21-мехрибонлик уйи директори  
**Рустамов Ҳаким Шарипович** — Бухоро шаҳридаги 39-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитувчи, Бухоро вилояти

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдиев Баҳтиёр Бобона-  
заровиҷ** — Китоб туманидаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг математика фанни ўқитувчи, Қашқадарё вилояти

**Абдуллаева Дилбар Ах-  
мадовна** — Жиззах шаҳридаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг математика фанни ўқитувчи, Жиззах вилояти

**Атажонов Озод Артико-  
вич** — Ҳазорасп туманидаги 32-умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Хоразм вилояти

**Каримхожаева Замира  
Шариповна** — Қораўзак туманидаги 6-умумий ўрта таълим мактабининг кимё ва биология фанлари ўқитувчи, Қорақалпогистон Республикаси

**Мамажонов Шуҳрат Ко-  
милович** — Фарғона туманидаги 2-ихтисослаштирилган мактаб-интернатнинг кимё фанни ўқитувчи, Фарғона вилояти

**Маманазаров Абдумурод  
Боборахматович** — Денов тоғкон саноати касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Марданов Абдумўмин  
Давурович** — Кўшработ туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, Самарқанд вилояти

**Мирвалиева Гавхар Пу-  
латовна** — Тошкент шаҳридаги «Муруват» ногирон болалар учун 2-интернат уйи тарбиячиси

**Мурадов Каримжон Куч-  
карович** — Чорток педагоги

ка коллежининг физика фанни ўқитувчи, Наманган вилояти

**Танжарова Рано Акрамовна** — Олмалиқ кончилик касб-хунар колледжининг чизмачилик фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Турниёзов Муродулла  
Камолбоевич** — Навоий индустриал-иктисодиёт колледжининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Навоий вилояти

**Уралов Абдували Тургунович** — Гулистон туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг мусиқа фанни ўқитувчи, Сирдарё вилояти

**Халимова Нурзода Олимовна** — Вобкент курилиш ва транспорт касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Бухоро вилояти

**Юнусов Ҳамзабек Умаровиҷ** — Андижон машинасозлик касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Андижон вилояти

**II ДАРАЖАЛИ  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Диланова Гулзамира Гулимбетовна** — Кегейли туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Қорақалпогистон Республикаси

**Зиёев Урал Абулқосимович** — Оқдарё туманидаги 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юнон-рум кураши бўйича катта мураббийи, Самарқанд вилояти

**Мусаев Абдурашит Ибрахимович** — Чирчиқ олимпия заҳиралари колледжининг эшқак эшиш бўлими бош мураббийи, Тошкент вилояти

**«ДЎСТЛИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абсаламова Мухаббат  
Қаҳрамоновна** — Зарбдор туманидаги 25-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Жиззах вилояти

**Бабаев Курёзбай Ҳажиевич** — Хива қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Хоразм вилояти

**Бохоров Обитхон Орипович** — Кувасой саноати касб-хунар колледжининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Фарғона вилояти

**Гафарова Махфузаболтаевна** — Самарқанд туризм ва миший хизмат касб-хунар колледжининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Самарқанд вилояти

**Дауленова Даригул Прияровна** — Нукус шаҳридаги

22-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг қорақалпок тили ва адабиёт фанни ўқитувчи, Қорақалпогистон Республикаси

**Жўраева Гули Тожиевна** — Қизириқ туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фанни ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Мирзалимова Ҳабибаҳон  
Рахматалиевна** — Поп туманидаги 10-умумий ўрта таълим мактабининг математика фанни ўқитувчи, Наманган вилояти

**Мирзоқулов Ҳолмуҳамат  
Турсунбоевич** — Бекобод саноат ва транспорт касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Мустафина Гульсара  
Шевкиевна** — Навоий кончилик касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Навоий вилояти

**Нажметдинова Ҳамида-  
хон Убайдуллаевна** — Гулистон давлат университети қошидаги Гулистон академик лицейининг математика фанни ўқитувчи, Сирдарё вилояти

**Орзикулов Ботир Ҳайдаровиҷ** — Балиқчи туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фанни ўқитувчи, Андижон вилояти

**Пионтковская Алина Николаевна** — Олмазор туманидаги 23-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Тўраева Райхон Туробовна** — Жондор туманидаги 16-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Бухоро вилояти

**Юлдашева Диларом Рахматовна** — Қарши шаҳридаги «Муруват» ногирон болалар учун интернат уйи тарбиячиси, Қашқадарё вилояти

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ  
БИЛАН**

**Бахрамова Марҳабо Қучкаровна** — Зангигота туманидаги 59-умумий ўрта таълим мактабининг она тили ва адабиёт фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Бердиева Раъно Тураевна** — Қарши туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Самарқанд вилояти

**Каржанов Рустам Норматовиҷ** — Шўрчи туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг рубоб ва анъанавий хонандалик синфи ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Косимов Нумонжон Абдуллахоновиҷ** — Косоной туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

**Кулмамадова Холида Рамазоновна** — Бухоро туманидаги 25-мактабгача таълим муассасаси тарбиячиси, Бухоро вилояти

умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Бутаева Онархон Шерқзинеевна** — Бағдод туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Фарғона вилояти

**Давлетжанова Ойгул Ка-  
дамовна** — Урганч туманидаги 38-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Хоразм вилояти

**Далиева Бибайим Сарсенбаевна** — Шуманай туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг география фанни ўқитувчи, Қорақалпогистон Республикаси

**Декканов Одилжон Юнусалиевиҷ** — Норин саноат ва сервис касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Наманган вилояти

**Жаксимуратова Зернегул Алламуратовна** — Чимбой қишлоқ хўжалиги касб-хунар колледжининг математика фанни ўқитувчи, Қорақалпогистон Республикаси

**Ибодуллаева Малоҳат Исматуллаевна** — Шеробод туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг бошлангич синф ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Икрамова Муяссан Эралиевна** — Ўрта Чирчиқ туманидаги 72-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Йўлдошева Шоҳида Саъдуллаевна** — Хатирчи туманидаги 22-умумий ўрта таълим мактабининг биология фанни ўқитувчи, Навоий вилояти

**Қаландарова Майрам Жўраевна** — Оҳангарон саноат касб-хунар колледжининг махсус фанни ўқитувчи, Тошкент вилояти

**Камалова Диларом Туваловна** — Жомбой туманидаги 20-умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчи, Самарқанд вилояти

**Каржанов Рустам Норматовиҷ** — Шўрчи туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабининг рубоб ва анъанавий хонандалик синфи ўқитувчи, Сурхондарё вилояти

**Косимов Нумонжон Абдуллахоновиҷ** — Косоной туманидаги 29-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг гандбол бўйича мураббийи, Наманган вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ФАРМОНИ**

# **«ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**(Давоми,  
боши 1-, 2-бетларда)**

**Курбанов Абдулхафиз  
Юсупович** — Шаҳриҳон автомобиль йўллари қурилиши касб-хунар коллежининг маҳсус фан ўқитувчisi, Андижон вилояти

**Курбанов Қадамбай  
Султанович** — Хонқа қурилиш касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси, Хоразм вилояти

**Кутлимуратова Гулшан  
Таджимовна** — Беруний туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фанни ўқитувчisi, Қорақалпогистон Республикаси

**Мансуров Сайдулла Соҳидуллаевич** — Тўракўргон қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг маҳсус фан ўқитувчisi, Наманган вилояти

**Махсудова Маҳфиза  
Бакоевна** — Самарқанд шаҳридаги 5-умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувчisi, Самарқанд вилояти

**Мирова Дилфузা Сайфуллаевна** — Бухоро туризм коллежининг маҳсус фан ўқитувчisi, Бухоро вилояти

**Муминова Маҳпратхон  
Турсуновна** — Уйчи туманидаги 26-умумий ўрта таълим мактабининг математика ва информатика фанлари ўқитув-

чиси, Наманган вилояти

**Мухтарова Барнохон  
Озодбековна** — Андижон туманидаги 45-умумий ўрта таълим мактабининг биология фанни ўқитувчisi, Андижон вилояти

**Назаров Ўқтам Жўраевич** — Бухоро шаҳридаги 24-кўзи ожиз болалар учун ихтинослаштирилган мактаб-интернатининг она тили ва адабиёт фанни ўқитувчisi, Бухоро вилояти

**Омонова Гулсора Самановна** — Мирзаобод туманидаги 33-ихтинослаштирилган умумий ўрта таълим мактабининг тарих фанни ўқитувchisi, Сирдарё вилояти

**Пирожкова Наталья Борисовна** — Тошкент меҳмонхона хўжалиги касб-хунар коллежининг бош устаси, Тошкент шаҳри

**Рўзиев Фарходбек Абдиманнобович** — Олтинкўл иқтисодиёт коллежининг информатика фанни ўқитувchisi, Андижон вилояти

**Сироғиддинов Анваржон Холмирзаевич** — Ўзбекистон туманидаги 65-ихтинослаштирилган мактаб-интернатининг инглиз тили фанни ўқитувchisi, Фарғона вилояти

**Суюнова Хурия Алайдоровна** — Бахмал туманидаги 8-умумий ўрта таълим мактабининг биология фанни

ўқитувchisi, Жizzax вилояти

**Тоҳтаматова Диларом**

**Уткирова** — 1-Республика тиббиёт коллажининг маҳсус фанни ўқитувchisi, Тошкент шаҳри

**Тоҳтатходжаева Мафротхон Махмудовна** — Ҳамза туманидаги темир йўл касб-хунар коллежининг маҳсус фанни ўқитувchisi, Тошкент шаҳри

**Тайчиев Расулжон Абдумаликович** — Қиргули саноат ва қурилиш касб-хунар коллежининг бош устаси, Фарғона вилояти

**Узоқов Ҳусан Қўзиевич** — Миришкор туманидаги 2-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фанни ўқитувchisi, Қашқадарё вилояти

**Умарова Нилуфар Закириллаевна** — Ангрен политехника касб-хунар коллежининг инглиз тили фанни ўқитувchisi, Тошкент вилояти

**Уроқова Нафиса Шарифиддиновна** — Самарқанд тиббиёт коллежининг маҳсус фанни ўқитувchisi, Самарқанд вилояти

**Хажиев Кувандик Садуллаевич** — Урганч автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежининг маҳсус фанни ўқитувchisi, Хоразм вилояти

**Хайитова Дилфузा Жўракўзиевна** — Бувайда

туманидаги 34-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фанни ўқитувchisi, Фарғона вилояти

**Хакимова Норбуви**

**Қодировна** — Жizzax туманидаги 11-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувchisi, Жizzax вилояти

**Ходжаева Дильдора Абдулжабаровна** — Юнусобод туманидаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактабининг ўзбек халқ чолғулари синфи ўқитувchisi, Тошкент шаҳri

**Худойбердиев Фазлидин Гайбуллаевич** — Қизилтепа туманидаги 4-умумий ўрта таълим мактабининг физика фанни ўқитувchisi, Навоий вилояти

**Хўжабекова Одинахон**

**Хашимовна** — Избоскан туманидаги 35-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувchisi, Андижон вилояти

**Шоймарданов Жўра**

**Култоевич** — Касби туманидаги 40-умумий ўрта таълим мактабининг меҳнат таълими фанни ўқитувchisi, Қашқадарё вилояти

**Шубин Вячеслав Егорович**

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 27 сентябрь

## **ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ**

**(Давоми, боши 1-бетда)**

Бугунги мажлисимиз, бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади авваламбор Қашқадарё воҳасидаги ахвол, аҳолининг кайфияти, дарди, амалдаги ўзгаришлар ва ечимини кутаётган муаммолар, эришилаётган марралар, олдимизда турган вазифаларни муҳокама қилиш, десам, айни ҳакиқатни айтган бўламан.

Халқимизнинг фидойи меҳнати билан кўлга киритган ютуқларимиз билан бирга, йўл кўйилган хато ва камчиликлар ҳақида холисона ва атрофлича фикр юритиб, тегишли хulosалар чиқариш зарурати борлигини, ўйлайманки, ҳаммамиз сезиб турибмиз.

**Энг муҳими — бугун ҳаётимизнинг устувор ва ҳал қилувчи йўналишлари бўлмиш иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий соҳалар ривожини таҳлил қилиб, мавжуд муаммоларни ечиш йўллари ҳақида маслаҳатлашиб олсанак, ҳар қайсими ўз ўрнимизда бизга юкланган вазифаларни аниқлаб олсанак, айни мудда бўлар эди.**

Қашқадарё охирги йиллар давомида тараққиёт йўлида эришаётган ютуқ

ва марралар ҳақида гапирганда, қуйидаги рақам ва далилларни олиб келиш мумкин.

Аввало, 2012 йилда вилоятда ялпи худудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,3 фоизга, чакана савдо 19,7 фоизга, қурилиш ишлари 12 фоизга, пуллик хизматлар 18,6 фоизга ўсгани ва бошқа кўрсаткичларни таъкидлаш зарур. Жорий йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этмоқда.

Эътиборли томони шундаки, вилоят ялпи худудий маҳсулотида саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил қиласди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи айнан Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилмоқда.

Бундай натижаларга эришишда вилоятда фаолият кўрсатадиган, мамлакатимиз иқтисодиётининг фахри бўлган йирик замонавий корхоналар катта ҳисса қўшаётганини эътироф этиш лозим. Илига 125 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган Шўртган газ-кимё комплекси негизида иқтисодиётимизда мутлақо янги тармоқ — газни чукур қайта ишлаш тармоғи вужудга келганини, ушбу корхона янги-янги замо-

навий индустрисал мажмуаларни барпо этишда асосий таянч вазифасини бажараётганини алоҳида таъкидлаш керак. Юртимизда шу соҳага мансуб, умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд бўлган йирик лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, Қашқадарёда энг юксак технологияларга асосланган Шўртган синтетик ёқилги ишлаб чиқариш мажмуаси, Муборак газ-кимё комплекси каби замонавий саноат корхоналари шуслар қаторига киради.

Йирик инвестиция лойиҳаси асосида Талимаржон иссиқлик электр станциясида йилига 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш кувватига эга бўлган иккита буғ-газ курилмасини қуриш ишлари бошлаб юборилди.

Яқин ўтмишизмизда тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган, ҳақиқатан ҳам энг замонавий технологияларга асосланган бундай лойиҳаларни амалга оширишга қаратилган режаларимиз барчамизни кувонтиради. Шу билан бирга, вилоят иқтисодиётидаги кўзга ташланадиган, ҳаммамида ташвиш уйғодадиган салбий ҳолатлар ҳам бугун кам эмас.

Бу ҳақда гапирганда, аввало маҳалий хомашёни қайта ишлаш негизида юқори қийматга эга бўлган рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича вилоят мамлакатимиз эришган марралардан орқада қолаётганини афсус билан айтишга тўғри келади. Масалан, республикамиз миқёсидағи кўрсаткичларга нисбатан вилоят саноати таркибида енгил саноатнинг улуши 1,7 баробар, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг улуши 3,3 баробар, қурилиш материаллари саноатининг улуши эса 3,6 баробар паст экани шундан далолат беради.

Вилоятда саноат корхоналарининг жойлашвида номутаносиблик ҳолатлари мавжуд. Асосий ишлаб чиқариш кувватлари Қарши шаҳри, Муборак, Фузор ва Дехқонобод туманларида жойлашган бўлиб, бошқа туманларнинг бу борадаги хиссаси орқада қолаётганини қайд этиш зарур.

Ҳозирги вақтда вилоят бўйича хорижий инвестициялар иштирокидаги 55 та корхона рўйхатга олинган, лекин улардан 7 таси турли сабаблар билан фаолият кўрсатмаяпти.

**(Давоми 3-бетда)**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми,  
боши 1-, 3-бетларда)

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида яратилган имтиёз ва имкониятларга қарамасдан, вилоятда импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш жиддий оқсокликка юз тутмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида ана шундай маҳсулотларнинг саноат таркибидаги улуши 0,2 фоизни ташкил этмоқда. Айтинглар, бундай мутлақо қониқароз ахволни қандай изоҳлаш мумкин? Ваҳоланки, бу ерда саноатни ривожлантириш бўйича қандай кулай шарт-шароитлар, жумладан, табиий газ, нефть, калий, мармар, марганец, литий, сланец, кўргошин, рух, куриши материяллари хомашёси ва бошқа кўплаб ноёб қазилма бойликларнинг захиралари мавжуд экани ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Қашқадарё воҳаси қадимдан катта савдо йўллари чорраҳасида жойлашган, турли ўлка ва минтақаларни ўзаро боғлайдиган муҳим стратегик ҳудуд бўлиб келгани ҳаммамизга маълум. Бугунги тил билан айтганда, Қашқадарё айнан йўл-коммуникация, транзит масаласида доим катта салоҳият ва имкониятга эга бўлиб келмоқда.

**Вилоядта автомобиль йўллари, темир йўл, ҳаво йўлларининг кенг тармоқлари ва тегишли инфратузилма шаклланган.** Лекин, транзит масаласи Қашқадарё учун энг муҳим, катта истиқболга эга масала бўлса-да, ана шундай улкан имкониятдан оқилона фойдаланиш, мавжуд транспорт-коммуникация тармоқларининг бугунги ҳолати, уларнинг самарадорлигини ошириш масаласи бирон марта жиддий муҳокама қилинмаганини афсус билан қайд этиш лозим.

Эсингиздами, бир пайтлар, Қашқадарё воҳасида собиқ марказдан келган «десантчи»-лар ҳукм сурган оғир дамларда, қандай қийин бўлмасин, сизлар билан бирга қанча ишларни амалга оширган эдик.

Қандай янги қурилишлар, қанча янги йўллар барпо қилган эдик. Мана шу Қарши шаҳрининг ўзида 100 километрдан зиёд йўл курдик. Шуларни эсласам, мен ҳозир ҳам беихтиёр тўлқинланиб, руҳланниб кетаман.

Қани, айтинглар, ўша вақтда бизга четдан келиб бирор ёрдам берганмиди? Йўқ. Аввало, Қашқадарёга, унинг халқига раҳмат, у ўзининг ташаббуси, куч-ғайрати, азму шижоати билан шундай катта иш-

ларни амалга оширишга қодир бўлди.

**Мен Қашқадарё вилоятига раҳбар бўлиб келганимда, бу ерда «пахта иши» билан айбланиб, бир ярим минг одам қамалган эди. Уларнинг оила аъзолари, қариндош - уруғларини хисобга олганда, 150 минг одам совет тузумидан жабр кўрган эди. Ана шу одамларнинг кайфиятини кўтариш, уларни ишга руҳлантириш осонмиди?** Ўша пайтда яшаш шароитимиз ҳам қандай бўлгани маълум: кўп нарсани четдан олиб келар эдик, қийинчилик, етишмовчилик кўп эди. Лекин, шунга қарамасдан, одамлар ўртасида меҳр-оқибат, хурмат кучли эди. Ана шундай фазилатларни биз доимо асрраб-авайлашимиз, мустаҳкамлашимиз керак. Чунки бундай хусусият ва аломатлар бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам ўтириш аҳамият касб этмоқда.

Мен ана шундай фазилатларни саклаб, ўзлигини доимо улуғлаб келаётган, фурури баланд, ориятили Қашқадарё ҳалқининг фидокорона меҳнати билан бу замин, унинг барча қишлоқ ва шаҳарлари обод ва фаровон бўлишига ишонаман.

Хурматли депутатлар! Мамлакатимизда иқтисодиётимизнинг ҳал қиувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вилоядта изчил ривожланмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши 52,4 фоизни ташкил этаётгани, иш билан банд аҳолининг 77 фоиздан зиёди ушбу секторда меҳнат қилаётгани, аҳоли даромадларининг ярмидан кўпи мазкур тармоқ ҳисобидан шаклланётгани айни шу соҳа бугунги ва эртанги кунимизни ҳал қиувчи тармоққа айланиб бораётганининг яққол исботидир.

Ана шундай муҳим натижаларни эътироф этган ҳолда, бу соҳада айрим муаммолар борлигини ҳам очиқ айтишга мажбурмиз. Масалан, вилоядда рўйхатга олинган 47 минг 400 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектидан 3 минг 450 га яқини амалда фаолият кўрсатмаяпти.

Кичик бизнес субъектлари ўз ишини ташкил этиши учун уларга бинолар, ер участкалари ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларида турли тўсиклар ҳали-бери учраб турибди. Энг ёмони, турли назорат

идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. 2013 йилнинг биринчи ярмида назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан 14 та ноқонуний текшириш ўтказилгани аниқланган. Шунингдек, бир қатор туманлардаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари фаолиятида тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузиш ҳолатлари қайд этилган.

Шу муносабат билан яна ва яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: ўз хусусий ишими очиб, нафақат ўзимни, оиласми боқаман, әл-юргта ҳам наф етказаман, деб ҳарарат қилаётганди одамларнинг йўлига, тадбиркорлик йўлига фов бўлиш — бу давлат сиёсатига, Президентнинг сиёсатига қарши чиқиш, деб баҳоланиши керак. Буни барча амалдор шахслар қулоғига кўроғонидек қўйиб олсин.

**Бу дунёда ҳасад билан эмас, ҳавас билан яшаш, ҳасад, кўролмаслик деган иллатлардан жудо бўлиш керак. Агар ҳар қайси инсон — у фермер бўладими, тадбиркор бўладими — ўзининг ҳалол меҳнати билан даромад топаётган, бойлик ортириётган бўлса, қандини урсин!**

Қашқадарёнинг саҳоватли замини, бу ерда яшайдиган дехқон ва фермерларнинг машаққатли меҳнати, ўз ери, ўз касбига садоқати ҳақида ҳар қанча ҳурмат ва миннатдорлик билан гапирсан арзиди.

Ҳозирги вақтда юртимиздан вилоядта пахта маҳсулотларининг энг катта қисмини — 12 фоиздан зиёдини айнан Қашқадарё вилояти етказиб бермоқда. Жорий йилда вилоят фаллакорлари 1 миллион тоннадан ортиқ дон тайёрлаб, мамлакатимиз фалла хирмонига улкан ҳисса қўшдилар.

Юртимизда пахта терими қизғин паллага кирган шу кунларда қашқадарёлик омилкор дехқонлар 420 минг тонналлик юксак маррани эгаллаш учун қаттиқ бел боғлаб меҳнат қилмоқдалар.

Қашқадарёнинг мард, миришкор дехқонларини, уларнинг нималарга қодир эканини мен яхши биламан ва уларнинг фидойилиги билан доимо фахрланаман ва шу фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг барча дехқон ва фермерларига катта куч-ғайрат, баҳт ва омад тилашни, уларнинг олижаноб меҳнати учун

самимий миннатдорлик билдиришни бугун ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз — бундай мўл ҳосил етишириш учун аввало тупроқ унумдорлигини, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш талаб этилади. Шу борада қабул қилинган давлат дастури доирасида Қашқадарё вилоятида кейинги беш йил мобайнда 71 миллиард сўм ҳажмидаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, жорий йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 14 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди.

Сўнгги йилларда сув хўжалиги ташкилотларига лизинг асосида жами 14 миллиард 200 миллион сўмлик 130 та замонавий техника етказиб берилгани ирригация-мелиорация ишларининг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Ана шундай тадбирлар натижасида вилоят бўйича 81 минг гектар субориладиган майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, ўртача ва кучли шурланган майдонлар ҳажми 8,5 минг гектарга камайди.

**Вилоядта катта-катта майдонларда интенсив мевали боғлар, тоқзорлар, енгил конструкцияли иссиқхоналар барпо этилаётгани, чорвачилик, паррандачилик соҳалари барқарор ривожланиб, гўшт, сут ва тухум етишириш ҳажми сезиларли равишида ортиб бораётганини қайд этиш ўринидир.**

Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпгина масалалар ўз ечимини кутиб турибди. Жумладан, пахталики тармоғида энергия ва сув ресурсларини тежайдиган, замонавий технологияларни жорий этиш, айнан Қашқадарё заминига мос бўлган тезпишар, касаллик ва зараркундаларга чидамли, серҳосил фўза навларини кўпайтириш масаласи ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, кўп тармоқли фермер хўжаликларини кўпайтириш ва улар ишлаб чиқардиган маҳсулотлар бозорини ташкил этиш, қайта ишлаш тармоқларини ривожлантиришда уларга керакли ёрдам ва кўмак бериш каби муҳим вазифалар эътиборимиз марказида туриши лозим.

Биз фермерларни кўллаб-куватлаш ҳақида кўп гапиралимиз. Бугунги кунда фермерларимизнинг ўзига хос муаммолари борки, улар ҳақида ҳам жиддий бosh қотиришимиз керак. Ҳозирги вақтда кўп тармоқли фермер хўжаликларини тузиш, ривожлантиришни

тавсия қилипмиз. Тавсия бериш осон, лекин бу ишни ташкил қилиш қийин.

Ўзингиз айтинг, кўп тармоқли фермер хўжаликларининг фаолиятини йўлга қўйиш учун фақат фермерларнинг кучи етадими?

Бу борада энг оғир масала шуки, фермер ўзи етиширадиган, ишлаб чиқардиган маҳсулотларни кимга ва қандай сотади? Шунинг учун аввало бундай маҳсулотларнинг бозорини ташкил қилиш ҳақида ўйлаш зарур.

Бу масалада биринчи навбатда давлат, маҳаллий ҳокимликлар ёрдам бериши лозим. Таъбир жоиз бўлса, фермернинг дардни давлатнинг дарди сифатида кўришимиз керак.

Ҳурматли сессия иштирокчилари!

Биз мана шундай мажлисларда қандай муҳим масалаларни муҳокама қилмайлик, биринчи навбатда улар одамларимизнинг кундаклик ҳаётига қандай таъсири кўрсатиши, инсон манфаатларига қанчалик жавоб беришини ҳеч қаҷон эсимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоядтида 2 миллион 830 минг аҳоли яшамоқда. Уларнинг 17,5 фоизини мактаб ёшидаги боловлар, 27 фоиздан ортигини ёшлар, қарийб 50 фоизини эса аёллар ташкил этади. Кейинги 10 йилда вилоят аҳолисининг сони 1,2 баробар ўсади.

Табиийки, ҳаёт ўзгаришлари билан бирга инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу-ниятлари, керак бўлса, ташвишмуаммолари ҳам ўсиб боради. Бу эса биз — раҳбар ва етакчилардан ўз ишимизни танқидий баҳолаб, узоқни ўйлаб, янада фаол ва самарали иш олиб боришни талаб этади.

Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлса, вилоядта аҳолининг реал даромадлари 2000 йилга нисбатан жон бошига 9,7 баробар кўпайгани, шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи 23 марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар 12,7 марта ортигани барчамизни кувонтиради.

Охирги ўн икки йилда вилоядтида 320 та умумталим мактаби, 89 та академик лицей ва касб-хунар коллежи, 132 та соғлиқни сақлаш муассасаси, 98 та болалар спорти объекти фойдаланишга топширилгани нафакат шаҳар ва қишлоқлар қиёфасини, балки одамларимизнинг дунёқарашиби, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгаришишга хизмат қилмоқда, уларнинг эртанди кунга ишончини кучайтироқмода.

(Давоми 5-бетда)

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

**(Давоми,  
боши 1-, 3-, 4-бетларда)**

Айни пайтда вилоятда ижтимоий соҳа обьектларини қуриш учун бюджетдан ажратилган маблағларни ўзлаштириша баъзан оқсоқлик ҳолатларига йўл қўйилаётганини, масалан, 2013 йили 2 та касб-хунар коллежи, 11 та мактаб белгиланган муддатда фойдаланишга топширилмаганини айтиш лозим.

Биз учун устувор аҳамиятга эга бўлган яна бир масала — қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қуриш дастури доирасида Қашқадарё вилоятида кейинги тўрт йилда 2 минг 510 та янги, шинам уй-жой ва инфратузилма обьектлари барпо этилди.

«Обод турмуш йили» деб ном олган жорий йилда эса яна 1 минг 50 та уй-жой, 32 километр ичимлик суви, 28 километрдан зиёд электр тармоқлари, 40 километрдан ортиқ табиий газ тармоқлари ва 24 километрдан зиёд йўл қуриш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Лекин, афсус билан айтиш керакки, айrim туманларда пудрат ташкилотларини сафарбар этиш, тегишли моддий-техник ресурслар билан узлуксиз таъминлаш, муҳандислик коммуникацияларини олдиндан барпо этиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Бундай ҳолат бугунги кунда белгилаб олган режаларимизни амалга оширишда энг катта тўсик бўлиб қолмоқда.

Курилиш соҳасида пудратчи ташкилотларга алоҳида эътибор бериш, уларнинг муаммоларини ечиш керак. Чунки бундай катта қурилишларни амалга оширишда охирги натижани биринчи навбатда биз кимдан сўраймиз? Пудратчилардан сўраймиз.

Мана, ҳаммангиз хабардорсиз, Шўртан газ-кимё мажмуасини барпо этдик. Бундай ноёб ва улкан саноат комплексини четдан келиб бирор қуриб бергани йўқ, ўзимизнинг мутахассисларимиз, қурувчиларимиз бу ишни амалга оширди.

Шу маънода, биз қишлоқларимизда намунавий уй-жойлар қуриш лойиҳасини шундай юксак талаблар дараҷасида бажаришимиз керакки, токи шаҳарда яшаётган одамлар ҳам қишлоқка келиб, шундай уйларни олишга талабгор бўлсин.

Мамлакатимизда касб-хунар коллежлари битирув-

чилирини иш билан таъминлаш масаласи ҳозирги вақтда энг муҳим ва долзарб вазифамиз бўлиб, бу борада катта ишлар қилинмоқда. Бироқ, Қашқадарё вилоятида бу масаланинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга эканини чукур тушуниб етмаслик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Масалан, 2012-2013 ўкув йилида касб-хунар коллежлари битирувчиларининг 12 фоизи коллеж ва корхона ҳамкорлик тизими бўйича ишлаб чиқилган чора-тадбирлар доирасида иш билан ҳанузгача таъминланмаган.

Такрор айтишга тўғри келади: бу масалага жавобгар ва масъул бўлган туман ва шаҳар ҳоқимлари, қолаверса, шахсан вилоят раҳбарларининг бундай ҳолатларга йўл қўйишга ҳаққи йўқ.

Агарки биз инсон тақдирни, унинг ҳаётий манфаатларини асосий ўринга қўймасак, ёшларимизни иш билан таъминламасак, фарзандларимиз, келажагимиз олдида хиёнат қилган бўламиз.

Демоқчиманки, агар ёшларни замонавий иш ўринлари билан таъминлаш вазифасини ҳал қилишга ҳам қатъий киришадиган бўлсак, мен аминман, бу борада биз жуда катта имкониятларга эгамиз. Албатта, бу масалада биринчи навбатда иқтисодий замин яратиш керак, акс ҳолда қуруқ даъватлар билан одамларни улуғ ишларга сафарбар этиб бўлмайди.

Бу ҳақда кўп гапириш мумкин. Мана, масалан, биз 1997 йилда қабул қиласан Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини олайлик. Ўша даврда бу дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдаги дастлабки қадамлар қандай қийин бўлганини, аввало мутасаддилар, тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига келажагимизни ҳал этадиган бундай буюк ишнинг аҳамиятини тушунтириш, уларни шунга ишонтириш осон бўлмаганини мен яхши эслайман.

Бугунги кунда, ўзингиз кўярпиз, ана шу миллий дастуримизни, унинг асосида амалга оширилган улкан ишларимизни дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Ҳар қайси худуд ва минтақада одамларнинг кайфияти, маънавий муҳит ва ижтимоий вазият авваламбор қонун ва адолат устуворлигини таъминлашга боғлиқ экани ҳақида кўп гапиришнинг зарурати йўқ, албатta.

Шу кўз билан қараганда,

Қашқадарё вилоятида кейинги пайтда ҳуқуқ-тартибот соҳасида ҳам айrim камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилаётганини айтиш керак. Буни 2012 йилда вилоят бўйича умумий жиноятлар сонининг ошгани, жумладан, қасддан одам ўлдириш 33 фоиздан зиёд, товламачилик 83 фоиз, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари 8 фоиз, безорилик 6 фоиздан зиёд кўпайгани ҳам кўрсатмоқда.

Энг ёмони, ҳуқуқ-тартибот идораларининг баъзи ходимлари ўртасида қонунга хилофатти-ҳаракатлар содир этиш, ўз вазифасини суистеъмол қилиш ҳолатлари учраб туриди. Масалан, кейинги бир ярим йил давомида ички ишлар идоралари ходимларидан 10 нафари жиной жавобгарликка тортилган. Ўз фаолиятида камчиликларга йўл қўйгани учун вилоят прокурори X. Турдибоев, вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи С. Ҳайдаров, Миришкор тумани прокурори А. Журалов, Яккабоғ тумани прокурори С. Юлдошев, Чироқчи тумани ички ишлар бўлими бошлиғи И. Ишмуродов, Миришкор тумани ички ишлар бўлими бошлиғи Ш. Айзов эгаллаб турган лавозимидан озод этилган.

Буларнинг барчаси вилоятда қонунчиликни таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, аввало ёшлар билан ишлаш бўйича мутасадди бўлган ходимларнинг етарлича иш олиб бормаётгани билан боғлиқ. Бундай камчиликларга барҳам бериш, вилоятда ҳуқуқ-тартибот ишларини самарали йўлга қўйиш юзасидан тегишли идоралар томонидан тез кунларда аниқ чора-тадбирлар кўриш зарур.

Хурматли мажлис қатнашчилари!

Қашқадарё воҳасининг бугунги ва эртанги куни, келажаги ҳақида сўз юритар эканмиз, бир муҳим масалага эътиборингизни жалб этмоқчиман. Агарки ўзимиз йўл қўйган камчилик ва хатоларга аввало ўзимиз холисона баҳо бериб, уларни барта-рафт этмасак, ҳеч ким четдан келиб бизнинг ишимизни қилиб бермайди. Бу — ҳаммамизга аён ҳақиқат.

Бугун замон, ҳаётимизнинг ўзи талаб қилаётган тадбир ва режаларимизни амалга оширишда, биринчи навбатда кўпдан бери ечилмасдан, ўйлимизни тўсив турган муаммоларни ҳал қилиш, лўнда қилиб айтганда, вилоятни ҳар-

томонлама равнақ топтириш билан боғлиқ устувор вазифалар ҳақида авваламбор бош қотиришимиз керак.

Айни шундай кўз билан қараб, Қашқадарё вилоятининг тараққиёт суръатларини тезлаштириш, бугунги кунда ривож топаётган тармоқлар билан бирга, замонавий технологиялар билан қуролланган, қўшимча қийматга эга бўлган, дунё бозоридаги талабга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар чиқарадиган лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Қисқача айтганда, вилоядада орқада қолаётган енгил, озиқ-овқат, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш, информация ва коммуникация соҳаларининг йўлини очиб бериш, шу билан бирга, қурилиш ишлари соҳасига янги куч-кувват бериш масалалари буғун эътиборимиз марказига қўйилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон ҳукуматининг Қашқадарё вилояти бўйича мана шундай режаларни ўзида мужассам этган З та қарори яқинда қабул қилингани олдимизга, аввало Қашқадарё вилояти фаоллари олдига оғир бўлса ҳам, лекин шарафли вазифалар кўйилмоқда.

Айниқса, саноат соҳасининг янги турларини ривожлантириш мақсадида келгуси тўрт йилда умумий қиймати — шунга эътибор беринг — 2 миллиард 98 миллион долларга тенг бўлган 555 та лойиҳани амалга ошириш, энг муҳими, 13 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилаётганинг ўзи, ўйлайманки, бу ишларнинг кўлами ва миқёсидан яққол далолат беради. Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш натижасида вилоятда саноат маҳсулотлари ҳажми 1,2 баробар, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари 1,6 баробар, қурилиш материаллари 1,8 марта, машинасозлик ва кимё саноати 2,9 карра, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми эса 1,7 баробар ортиши режалаштирилган.

Дастурда, жумладан, вилоятдаги енгил саноат корхоналарини ривожлантириш орқали экспортбоп замонавий тайёр газлама ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича умумий қиймати 100 миллион доллардан иборат бўлган 82 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Бу эса 2016 йилга бориб, вилоятда етиштириладиган пахта толасини қайта ишлаш ҳажмини ҳозирги 6 фоиздан 35 фоизга етказиш ва энг муҳими, 4

мингта янги иш ўрни яратиш имконини беради.

Қадрли дўйстлар!

Мустақиллик йилларида бутун юртимиз қатори Қашқадарё вилоятини, унинг маркази бўлмиш Қарши шаҳрини янада гўзал ва обод қилиш мақсадида катта ишлар олиб борилаётганига барчамиз гуваҳ бўлмоқдамиз.

Айниқса, шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан қандай кенг кўламли қурилиш ва ободончилик дастурлари амалга оширилганини ҳаммамиз яхши эслаймиз ва шундай ишларга ҳисса қўшганимиз билан доимо фахрланиб яшаймиз. Лекин, бошланган ишларимизни давом этитириш, узоқни кўзлаб, ҳар қайси шаҳар, туман маркази, турар жойларнинг бош режаси лойиҳаларини тузуб, амалга ошириш билан боғлиқ йиғилиб қолган жуда кўп муаммоларни кечиктирмай ҳал қилишини буғун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда.

Айни шу мақсадларни рўёбга чиқариш йўлида авваламбор Қарши шаҳрини янада гўзал, замонавий, барчанинг ҳавасини тортадиган марказга айлантириш учун унинг 2030 йилгача мўлжалланган бош режасини амалга ошириш, шаҳар инфратузилмасини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича мамлакатимиз ҳукуматининг қарори ва маҳсус дастури қабул қилинди.

Ана шу дастурга мувофиқ, биринчи навбатда, Қарши шаҳрининг ҳудудини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Бугунги кунда унинг умумий майдони 8 минг 500 гектардан иборат бўлса, келгусида бу рақам икки баробар ортиб, қарийб 17 минг 700 гектарни ташкил этади.

Йўл-транспорт инфратузилмасини тубдан яхшилаш мақсадида шаҳарни айланниб ўтадиган, узуунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўл қурилиши бошлаб юборилди. Мазкур йўлнинг темир йўл ва автомобиль йўллари кесишидиган нуқталарида 6 та замонавий йўл ўтказгич қуриш белгиланган.

Бу лойиҳанинг аҳамиятини шунда кўриш мумкини, ҳалқа йўл ишга тушиши билан оғир юқ машиналари, кўпгина транспорт воситалари шаҳарни айланниб ўтадиган бўлади. Бу эса ўз навбатида ҳаракат хавфсизлигига, экологик муҳит тозалигига ижобий таъсир кўрсатади.

**(Давоми 6-бетда)**

# ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ

(Давоми,  
боши 1-, 3-, 4-, 5-  
бетларда)

Умумий узунлиги 30 километрдан зиёд бўлган 6 та радиаль магистраль йўлни ҳамда шаҳардаги ички йўлларни кенгайтириш ҳисобидан автомобиль транспорти ва пиёдалар учун қулай шарт-шароитлар яратилади.

Шунингдек, Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанд, Термиз йўналишларида янги 5 та автостанция ҳамда Қарши автовокзали курилади. Бешкент автостанцияси капитал таъмирланади. Шаҳар ахолисига транспорт хизмати кўрсатиш сифатини ошириш учун ўзимизда, Самарқандда ишлаб чиқарилган 150 та «Исузу» автобуси лизинг асосида харид қилинади.

Қарши шаҳри учун энг ўткир масалалардан бирни бўлган ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида қарийб 55 километрлик сув тармоқларини янгитдан куриш ва модернизация қилиш вазифаси ҳам дастурда ўз ифодасини топган.

Шаҳардаги канализация тизимињинг техник ҳолатини яхшилаш учун хорижий сармоялар ҳисобидан тозалаш иншоотлари ва 100 километрдан ортиқ оқова сув тармоқлари қурилади ва реконструкция қилинади, юқори қувватга эга бўлган электр тармоғини куриш, 100 километрдан ортиқ тармоқни реконструкция қилиш режалаштирилмоқда.

Воҳанинг иқлим ва табиий шароитини ҳисобга олган ҳолда, Қарши магистраль канали, Қашқадарё ва бошқа каналлар ҳудудида янги инфратузилма обьектлари, оиласијадам олиш масканлари барпо этилади.

Бундан ташқари, шаҳарда 9 та янги майдон, 8 та хиёбон куриш, мавжудларини реконструкция қилиш, шу таъриқа шаҳар ахолиси ва меҳмонлари учун қулай шартшароит яратиш вазифалари ҳам мазкур дастурдан ўрин олганини айтиш лозим.

Шаҳардаги эски, яроқсиз ҳолга келиб қолган бир қаватли айрим бинолар ўрнида 2-3 қаватли замонавий уй-жойлар қад ростлайди. Уларнинг биринчи қаватида ахолига хизмат кўрсатиш обьектлари жойлашади.

Бундай мисолларни яна кўплаб олиб келиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Қарши шаҳрида кенг кўлам-

ли мазкур дастурни амалга ошириш учун жами 1 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтириш кўзда тутилмоқда.

**Азиз дўстлар, барчамиз яхши биламизки, Қашқа воҳасида бутун ҳалқимизнинг фахри, ифтихори бўлган яна бир тарихий шаҳар бор. У ҳам бўлса, қадимий Кеш — Шаҳрисабзидир. Бу гўзал шаҳарнинг мамлакатимиз тарихида, бугунги ҳаётимизда тутган ўрни ва нуфузини ҳисобга олиб, уни ривожлантириш бўйича ҳам маҳсус дастур асосида катта ишлар режалаштирилмоқда.**

Ана шу дастур доирасида Шаҳрисабзининг юртимиз ижтимоий ва маданий тараққиётидаги аҳамиятини янада ошириш, уни замонавий туризм марказига айлантириш учун мавжуд инфратузилма иншоотларини янгилаш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламдаги ишлар баржилади.

Энг аввало, Амир Темур майдонини, унинг ён-атрофидаги ҳудудни янада кенгайтириш, Оқсаной комплекси билан Дорус-саодат, Дорут-тиловат, Чорсу бозори, Кўк гумбаз каби тарихий обидаларни боғлаб турадиган янги, гўзал хиёбон барпо этиш орқали бу маскан яхлит тарихий-меъморий мажмууга айланади.

Шаҳрисабзининг тарихий марказини туташтириб турадиган асосий йўлларни, яъни Ипак йўли кўчасини кенгайтириш, Тарагай Баҳодир ва Шерозий кўчаларини капитал таъмирлаш орқали шаҳарнинг ички ҳалқа йўлини барпо этиш таъминланади.

Шаҳарнинг туристик салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида, Осиё тараққиёт банкининг кредити ҳисобидан Шаҳрисабз ва Қарши шаҳарларини боғлайдиган 129 километрлик магистраль йўлни куриш бўйича тайёр гарлик кўримоқда.

Белгиланган ана шу барча режа ва лойиҳаларни оқилона, самарали амалга ошириш учун ҳаммамиз бир ёқадан боз чиқариб иш олиб борсак, ўйлайманки, Қарши ва Шаҳрисабз наинки мамлакатимиз, балки минтақамиздаги энг гўзал ва обод шаҳарларга айланади, иншоолло.

Азиз дўстлар!

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, юқорида тилга олинган қарорлар, дастур ва режалар

ортида Қашқадарёда яшаётган минг-минглаб одамларнинг ҳаёти, эртанги куни, тақдири турибди.

Бундай улуғвор вазифаларни бажаришда кўп нарса Қашқадарё вилояти бошқарувида раҳбарлик вазифасида ўтирган шахсларга, энг аввало, вилоятда ишни ташкил этиб, узоқни кўзлаб, шу мақсадга интилган фаолларни ўз ортидан эргаштира оладиган биринчи раҳбарнинг масъулиятига баглиқ.

**Кейинги икки йил давомида Қашқадарё вилояти ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Туробжон Жўраевнинг авваламбор иш фолиятига баҳо берадиган бўлсак, кўзга ташланётган салбий ҳолатлар тобора кўпайиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик мумкин эмас.**

У ҳам бўлса, етакчи вазифасини зиммасига олган раҳбар ва кўпчилик фаоллар ўртасида, аҳоли ўртасида узилиш пайдо бўлган ва бу ҳолни афсус билан таъкидлашимиз даркор.

Қашқадарёдек катта бир вилоятга раҳбар бўлиш масъулиятини елкасига олган бу одамнинг авваламбор кенг миқёсда фикрлашга, ён-атрофидаги раҳбарлар ва фаоллар билан тил топишиб ишлаш, керак бўлса, ўзини оддий инсонларнинг ўрнига қўйиб, ўзини улар каби тасаввур қилишга, лўнда қилиб айтганда, аҳоли ҳаёти билан яшаш, вилоятнинг кўпгина ўзига хос тамойилларини, сирларини ўрганишга, чуқур англаб олишга курби етмади.

Т.Жўраевнинг қўл остидаги одамларга ҳурмат ва ишонч билдириб, улар билан баҳамжихат ишлаш, уларни умумий мақсадларга сафарбар қилиш, фаолларнинг фикрига, маслаҳатларига суюниш ўрнига манманликка берилгани носоғлом вазиятга, нохуш ҳолатларга олиб келди.

Икки йил давомида вилоятнинг кўпқиррали иктисолдиётининг ўта мураккаб тармоқларидаги турли муаммоларнинг, жойларда мавжуд бўлган, одамларни қийнайдиган фам-ташвишларнинг ичига чуқур кириш, ҳар томонлама ўйлаб иш тутиш ўрнига, буйруқбозлик услубидан кўпроқ фойдаланиб раҳбарлик қилишга бугунги замон чидамайди.

Ўзининг иш фаолиятида атрофдагиларга юқоридан қараш, уларни менсимаслик,

одамларга нисбатан қўполлик, ўзини тутолмаслик раҳбарнинг обрўсига ҳеч қачон обрў қўшмайди. Шу борада Амир Темур бобомизнинг бизга қолдирган чукур маъноли насиҳатларини, «Куч — адолатда» деган ўлмас фикрларини ҳеч эсимиздан чиқармасликни истардим.

Қашқадарё эли яхшиликнинг қадрига етадиган, ўзини ҳурмат қилган одамга албатта ҳурмат кўрсатадиган, керак бўлса, уни эъзозлаб, бошига кўтарадиган ҳалқ. Буни тушунган — тушунмайди.

Қашқадарё ҳалқи кўпни кўрган, оққўнгил, заҳматкаш, ишнинг негизини биладиган ҳалқ сифатида ном қозонган. Ўзини раҳбар деган инсон одамлар назаридан қандай обрў-эътиборга лойиқ эканини доимо сезиб, англаб юриши, у бошқарадиган ҳалқ ҳаёти билан яшаши, ўзига зеб қўймаслик билан бошқаларга ўрнак бўлиши шарт. Ана шундагина бундай раҳбар нафақат ақл-заковати, қатъият ва талабчанлиги билан, балки ўзининг юриш-туриши билан эл-юрт ўртасида обрў қозонади.

Афсуски, вилоят ҳокими Т.Жўраев бу ерда яшаётган одамларга мансуб хусусиятларни, уларнинг фикру зикрини, дарду ташвишларини ҳар томонлама тушуниб, англаб етиш, вилоятнинг улкан салоҳиятидан фойдаланиб, ишни тўғри ва самарали ташкил этишда заифлик қилди.

Ишда йўл қўйган хато ва камчиликларини Т.Жўраевнинг ўзи ҳам тан олиб, эгаллаб турган вазифасидан озод қилишни сўраб, ариза билан мурожаат қилган. Шу муносабат билан сизлардан Т.Жўраевни Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилиш бўйича ўз фикрингизни билдиришингизни сўрайман.

Энди ижозатингиз билан вилоятнинг янги ҳокимини сайлаб олиш масаласига ўтсак.

Биз вилоят ҳокими лавозимига номзод танлашда депутатлар ва фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар билан атрофлича маслаҳатлашдик. Ана шундай фикр алмашувлардан кейин ҳозирги вақтда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири бўлиб ишлаб келаётган Зафар Рўзиев номзодини Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимига тавсия этиш-

га қарор қилдик.

Ўйлайманки, бу номзодни барчангиз яхши танийсиз, яхши биласиз. Унинг таржимаи ҳоли ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, у 1964 йилда Қашқадарё вилоятининг Китоб туманида туғилган. Мутахассислиги инженер-механик, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини битирган. Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг котибияти мудири, вилоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринbosari, Яккабог тумани ҳокими, қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири вазиғасини бажарувчи каби масъул лавозимларда хизмат қилган. 2010 йилдан бўён қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазири бўлиб ишлаб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бу инсон етарлича ҳаёт ва иш тажрибасига эга, энг муҳими, у Қашқадарё вилоятининг пасту баландини, бу заминда яшаётган одамларнинг табиати, орзу-интилишларини яхши билади.

Сиз, ҳурматли депутатлардан ана шу номзод бўйича ўз муносабатингизни билдиришингизни сўрайман.

Қадрли дўстлар!

Қашқадарёнинг қутлуғ заминида улуғ ишларга, катта мардлик ва матонат кўрсатишга қодир бўлган ҳалқ яшайди. Ўз юти, ўз фууруни доимо қадрлаб яшайдиган ана шундай бағрикенг, иродаси мустаҳкам элга боз бўлиш, етакчилик қилиш, айтиш керакки, ҳар қандай раҳбар учун улкан баҳт, улкан шарафдир.

Мен ишонаман, ҳозиргина сизлар билан бирга сайлаб олган янги ҳоким, мана шу ҳақиқатни чуқур англаган ҳолда, шу элнинг ҳурматини қозониш, унинг бунёдкорлик салоҳиятини юзага чиқариш учун ўзини аямасдан, бутун борлигини бериб меҳнат қилади.

Айни шу аснода олдимизда турган катта вазифаларни амалга ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш, Қашқадарёни мамлакатимизнинг энг жадал ривожланаётган, бошқаларга ўрнак ва наомуна бўладиган вилоятига айлантириш йўлида барчангизга сиҳат-саломатлик, баҳт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИННИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**Шу йил 27 сентябрь куни Халқ депутатлари Қашқадарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди.**

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутк сўзлади.

Президентимиз Қашқадарё вилоятида эришилаётган ютуқ ва мараларни атрофлича таҳлил қилас экан, куйидаги ракам ва далилларга алоҳида эътибор қаратди.

2012 йилда вилоятда ялпи худудий маҳсулот 4,5 фоизга, қишлоқ хўжалиги 7,3 фоизга, чакана савдо 19,7 фоизга, курилиш ишлари 12 фоизга, пуллик хизматлар 18,6 фоизга ўсганини таъкидлади. Жорий йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этмоқда.

Вилоят ялпи худудий маҳсулотида саноатнинг улуши 39 фоизни ташкил қилади. Мамлакатимиз ялпи саноат маҳсулотининг қарийб 11 фоизи Қашқадарё вилоятида ишлаб чиқарилмоқда, деди давлатимиз раҳбари.

Хозирги вақтда мамлакатимизда дон ва пахтанинг энг катта қисмини — 12 фоиздан зиёдини айнан Қашқадарё вилояти етказиб бермоқда.

Президентимиз вилоятда эришилган ютуқларни қайд этиш билан бирга йўл қўйилган айрим камчилик ва нуқсонлар, мавжуд муаммолар

ҳақида ҳам тўхталиб ўтди. Сессияда ташкилий масала кўрилди.

Т.Жўраев Қашқадарё вилояти ҳокими лавозимидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазири вазифасида ишлаб келаётган Зафар Рўзиев Қашқадарё вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиқсан Шаҳрисабз технология касбхунар коллежи директори Исломиддин Аброров, «Мажалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раисининг биринчи ўринbosari Dolli Аллаев, Китоб тумани ижтимоий-иктисодиёт касбхунар коллежи директори Муниса Суюнова, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов, вилоят касаба ўюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов, Нижон туманидаги «Майна Курбонова» фермер хўжалиги раҳбари Майна Курбонова, Қарши давлат университети талабаси Мафтұна Нодирова

ва бошқалар Президентимиз нутқида баён этилган танқидий фикрлардан зарур хуласалар чиқариб, кўрсатиб ўтилган камчилик-нуксонларни бартараф этиш, вилояни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган долзарб вазифаларни муваффакиятли адо этиш, ислоҳотларимиз самарасини ошириш учун бутун Қашқадарё аҳли астойдил меҳнат қилади ва кўзланган марраларга албатта эришади, деб тасдиқландилар.

\* \* \*

Президентимиз Ислом Каримов шу куни Касби туманидаги «Шоназар ота Авазмуродов» фермер хўжалиги далаларида фермерлар билан мулоқотда бўлди.

Сирохиддин Шоназаров раҳбарлик қилаётган мазкур фермер хўжалиги бу йил 35,7 гектар майдонда пахта етиштириди. Давлатга пахта ва ғалла сотиш шартнома мажбуриятларини мунтазам бажариб келаётган ушбу хўжаликда ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда.

— Бу йил пахтадан мўл хосил етиштирилди, — деди

Юртбошимиз. — Бу соҳада эришаётган муваффакиятларимизни чукур таҳлил қиласига бўлсақ, авваламбор, ерни ҳақиқий эгаларига топширганимиз, фермерларимизда эгалик ҳисси шакллангани, агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилаётгани, дехқонларимизга унумли меҳнат қилиши учун яратилаётган кенг шартшароит ва имкониятлар бугунги ўтуқларимизнинг муҳим омили бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари пахтчиликда худуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида тўхталди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Президентимиз. Ҳосилдорлигининг юқорилиги, зааркундаларга чидамлилиги, толасининг узунлиги, пишиклиги ва текислиги шулар жумласидандир. Пахта етиширишда, авваламбор, нав танлашда ана шу талаблардан келиб чиқиб иш тутиш зарур. Бугун сифатли пахта етиширишдан аввало фермерларнинг ўзи манфаатдор. Улар қанча сифатли пахта

тайёрласса, шунча кўп даромад топади.

Бугун фермерлик ҳаракати ривожланишининг янги босқичига қадам кўймоқда. Фермер қишлоқ хўжалигининг ва ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини йўлга кўйиши, худудларимизнинг ижтимоий-иктисодий равнақига, аҳоли фаронвонлигини оширишга, одамларни, биринчи навбатда, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўшиши лозим, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларимизнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури, талаб ва эҳтиёжлари ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз янада чирой очиб бораётгани таъкидланди. Айниқса, ёшларимиз ўз олдига аниқ мақсадлар кўйиб, дадил интилаётгани, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини фурурга тўлдираётгани қайд этилди.

**Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА махсус мухбири**

## Инновацион ғояларнинг амалдаги ифодаси

Пойтахтимиздаги «Ёшлар ижод саройи»да бўлиб ўтган анъанавий «Ватан тараққиётiga менинг ҳиссам» мавзуидаги кўргазмада тадбиркорларнинг энг сўнгги маҳсулотлари намойиш этилди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши, Республика «Хунарманд» ўюшмаси, Савдо-саноат палатаси худудий бошқармалари ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигига ўтказилган ушбу кўргазмада пойтахтлик ёш хунарманд ва тадбиркорлар, ўз инновацион ғоя ва ишланмаларига эга йигитқизлар, таълим, ишлаб чиқариш, тижорат тузилмалари вакиллари иштирок этди.

Ўзига хос «ижод ва гўзаллик» байрамига айланган мазкур кўргазма иккى кун давомида томошабинлар диккәт марказида бўлди. Кўргазма экспозициясидан турли хунармандлик ва заргарлик буюмлари, миллий либослар, тақинчоқлар, пишириклар, ўйинчоқлар, расмлар, техник ишланмалар ўрин олди. Ҳаммаси бир-биридан гўзal, бежирим. «Сatin» ва «Bonu» тикувчилик фирмасининг замонавий атлас кўйлаклари, «Замин гўзalлиги» масъулияти чекланган жамиятининг юмшоқ кўрпа-ёстиклирио «Funny toys-plast» ўйинчоқлари, ёш рассомларнинг ижодий ишлари... «Sweet fruit candies» хусусий корхонасининг мазалишириналларни. Тошкент хизмат кўрсатиш ва сервис касб-хунар коллежи ўқувчиларининг гуллитарувзлари мевали күшлари...

мошабинларда катта қизиқиши ўйғотди. Иккинчи бор ушбу кўргазмада ютнашашётган Абдулла лаган, пичоқ, қошиқ ва кўзаларни миллий нақшлар билан безатди. Унинг ажойиб санъат асарлари иштирокчilarнинг эътиборини тортиди. Кўргазма иштирокчilarни завқ-шавқ билан томоша қилиши, қизиқувчилик шу ернинг ўзида ташкил этилган «ўкув машғулотлари»да қатнашиб, гўзalлик яратиш сирларини ўрганиши.

— Кўпроқ кулолчилик намуналари ёқди, — деди Тошкент шаҳар мөхр-шафқат касб-хунар коллежи ўкувчisi Малоҳат Жамолова. — Оддий лойдан ҳам турли бежирим кўза ва ўйинчоқлар ясаса бўлар экан. Мана, ўз кўлим билан гулли саватча ясадим. Буни куоп Дилфузэ Эсоналиеванинг машғулотида ўргандим.

— Кўргазмада инновацион технологияларга оид сўнгги янгиликлардан боҳабар бўлдим, — деда дугонасининг гапига кўшил-

ди Зиёда Азимова. — Бир ихтирочи сувни тозалайдиган қурилма ўйлаб топган бўлса, яна бири интернетда миллий болалар ўйинларини яратибди. Тўғриси, уларни кўриб лол қолдим.

Кўргазмада меҳнат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси ўн олти мингта бўш иш ўрни билан ютнашди.

— Бугун ўн битта тумандаги бўш иш ўринлари билан ютнашяпмиз, — деди Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси танишиш имкониятига эга. Улар шу ернинг ўзида иш берувчи ташкилотлар билан шартномалар тузишти.

Ушбу жараённи кузатиб, мазкур кўргазма ёшлар учун нақадар долзарб эканлигига амин бўлдик.

Кўргазма давомида ёш тадбиркорларнинг билим ва малакасини оширишга қаратилган семинар-тренинглар ташкил этилди. Унда Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгashi қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив маркази координатори Бекзод Мўминов «Камолот» ЁИХ томонидан ёш тадбиркорларни кўллаб-куватлашга қаратилган «Менинг бизнесс foym», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор», «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари ҳақида маълумот берди.

— Шу ернинг ўзида кўзача ясадим, мана, — деди «Муруват» имконияти чекланган болалар 1-интернати тарбияланувчи Раҳим Ҳамидов. — Қоғозга чиройли расмлар чизишни ҳам ўрган-



Ушбу танловларнинг голиблари ҳамкор банкларнинг имтиёзли кредитларини олиш имкониятига эга бўлади. Кредит фоизлари эса «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгashi томонидан тўлаб берилади. Ҳаракатда шундай имконият мавжуд. Фақат бу ҳақда озигина қизиқсан, билсак ва ундан унумли фойдалансак, бас.

Семинарда «Микрокредит-банк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг амалиёт бошқармаси раиси ўринbosari Мирзоҳид Жабборов тадбиркорлик фаoliyatini бошламоқчи бўлган ёшларга имтиёзли кредит олиш имкониятиларни тушунтириб берди. Ёшлар эса тадбиркорликни бошлаш учун амалий кўниқизиқларни ўйғотди.

Кўргазма якунида фаол қатнашчиларга «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгashi ҳамда Республика «Хунарманд» ўюшмаси томонидан диплом, совғалар топширилди.

**Кумар БЕГНИЯЗОВА,  
«Turkiston» мухбири.**  
Сардор Мулажонов олган сурат

# Ўн асрга менг бобочинор

Сиз суратда кўриб турган чинор Сурхондарё вилояти Бойсун туманинг Сайроб қишлоғида кўкка бўй чўзиб турибди. Ёши улуғларнинг айтишича, унинг экилганига салкам ўн аср бўлган.

Чинорнинг баландлиги 26, шоҳшаббалари диаметри 21 метр. Йиллар давомида унда табиий кавак ҳосил бўлган. Чоғроққина хонани эслатувчи бу кавакнинг кенглиги уч ярим, баландлиги ўн икки ярим метр.

Ўтган асрнинг бошларида чинор бағридаги мўъжаз кавак мактаб вазифасини ўтаган. Кейинчалик ундан идора, кутубхона, савдо дўкони сифатида фойдаланилган.

Мустақиллик йилларида ушбу бобочинор табиат ёдгорлиги сифатида давлат қарамоғига олинган.

**Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,**  
«Turkiston» мухбири



Fotonigoh

## Билимлар географияси

Жорий ўкув йилининг илк ойи республикамизнинг барча умумтаълим мактабларида «География ва иқтисодий билим асослари фани ойлиги» деб эълон қилинган эди. Мазкур фан ойлигидаги Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 301-мактабда ҳам самарали ишлар қилинди. Сентябрь ойи давомида мактабда ушбу фанларга оид тадбирлар, кўргазмалар ташкил этилиб, ўқувчиларга янги билимлар берил борилди. Фан ойлиги якунни сифатида «Мен нечун севаман Ўзбекистонни?» номли илмий, адабий, бадий беллашув ташкил этилди.

Ўқувчиларнинг Ўзбекистон табиий географияси ва иқтисодиёти юзасидан билимларини синовдан ўтка-

зиш беллашувнинг бош мақсади этиб белгиланди.

Беллашувда 7-«А» синфининг «Эверест», 7-«Б» синфининг «Глобус» жамоалари иштирок этди. «Ўзбекистон — онам» номли биринчи шартда иштирокчилар она диёrimiz тўғрисида инглиз тилида маълумот бердилар. Беллашув давомида ўқувчилар «Географик атамалар луғати», «Дунё дарёлари»,

«Кроссвордлар ва ребуслар ечими» каби шартлар бўйича ўз иқтидори ва билимларини намоён этдилар. Тадбир давомида ўқувчиларнинг дарслар жараёнида эгаллаган билимлари мустаҳкамланди.

Беллашувда «Эверест» жамоаси ғолиб бўлди.

**Карима ИСЛОМОВА,**  
Сергели туманидаги  
301-мактаб ўқитувчиси



## Qishloq Qurilish Bank

### ХУРМАТЛИ УСТОЗЛАР!

ОАТБ «Қишлоқ қурилиши банк»  
барчангизни 1 октябрь — ўқитувчи  
ва мураббийлар куни билан  
самимий муборакбод этади!  
Сиз азизларга мустаҳкам соглиқ,  
оиласвий баҳт ҳамда улуг'вор  
ишингизга омад тилаймиз.



Шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимизга қўйидаги янги омонат турларини таклиф этамиз.

#### МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:

«Мустақил диёр» — муддати 2 ой  
«Хумо» — муддати 2-6 ой  
«Истиқлол» — муддати 6 ой

#### ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:

«Стимул» — муддати 1-3 ой

Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид кўшимчча чора-тадбирлар тўғрисида»ғи фармони асосида тўлиқ кафолатланади.

**Мурожаат учун телефонлар:**  
(+99871) 150-76-53, 150-39-93  
[www.qqb.uz](http://www.qqb.uz)

«Қишлоқ қурилиш банк» —  
фарновон ҳаётингиз хизматида!

## TABASSUM

### ТАРКИ ОДАТ — АМРИМАХОЛ

Бир киши очқуз эди. Ундан қутулишга чора излаб шифокорга борди:

- Доктор, очқўзликка қарши дорингиз борми?
- Албатта, ҳозир, мен сизга ёзиб бераман.
- Илтимос, кўпроқ, кўпроқ ёзинг!

### ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Икки ҳаваскор футболчи сұхбатлашиб қолди. Биринчиси деди:

- Мен худди акамга ўхшаб мингта гол уришни орзу қиласман.
- Ў, акан худди Пеледай зўр футболчи экан-да, қачон мингта гол урди?
- Нима деялсан? Акам мингта гол ургани йўқ шунча гол уришни орзу қиласми, холос.

### YON DAFTARCHANGIZGA

Ота билан орсиз талашар.

**Ўзбек халқ мақоли**



ISSN 2010-6998

## Полвонлар мусобақаси

Буюк Британиянг Бреффорд шаҳрида 8-9 ноябр кунлари эркаклар, аёллар ва ёшлар ўртасида кураш бўйича Ислом Каримов 10-халқаро турнири бўлиб ўтади.

Мазкур халқаро мусобақада жаҳоннинг ўтизга яқин мамлакатидан полвонлар иштирок этиши кутилимоқда. Ҳозирча айнан қанча спортчи мусобақада иштирок этиши номаълум. Буюк Британия 2000 йилдан буён ушбу мусобақани ўтизаби келмоқда.

## Атлетичиларимиз сараланди

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси 16 октябрдан 27 октябрга қадар Польшанинг Вроцлав шаҳрида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида иштирок этиши номаълум. Буюк Британия 2000 йилдан буён ушбу мусобақани ўтизаби келмоқда.

Саккиз нафар спорчимиз терма жамоадан ўрин эгаллади. Махлиё Тогаева (48 килограммгача), Марина Сисоева (53 килограммгача), Манзуроҳон Мамасалиева (69 килограммгача), Руслан Макаров (62 килограммгача), Достон Якубов (69 килограммгача), Улугбек Алимов (77 килограммгача), Сардорбек Дўстмуродов (105 килограммгача), Руслан Нуридинов (105 килограммгача) каби спорчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қиласади.

## Юртдошишимиз мұхым ўйинда

Сеулдаги «World Cup» стадионида 12 октябрь куни бўлиб ўтадиган Жанубий Корея ва Бразилия ўртоқлик учрашувини ўзбекистонлик ФИФА рефериси Равшан Эрматов бошқариши маълум бўлди.

Маълумотларга қараганда, Жанубий Корея футбол федерацияси ҳакамиимиз сўраб, ЎФФга мурожаат қиласган. Федерациямиз ҳам унинг илтимосини қондирган. Жанубий Корея — Бразилия ўйинида Равшан Эрматовга қанотларда Абдулҳамидулло Расулов ва қирғизистонлик Баҳодир Кўчкоров ёрдам беради. Ўйин Тошкент вақти билан 17:00 да бошланади.

**Жавоҳир КАРОМАТОВ,**  
«Turkiston» мухбири

## TABASSUM

### ТАРКИ ОДАТ — АМРИМАХОЛ

Бир киши очқуз эди. Ундан қутулишга чора излаб шифокорга борди:

- Доктор, очқўзликка қарши дорингиз борми?
- Албатта, ҳозир, мен сизга ёзиб бераман.
- Илтимос, кўпроқ, кўпроқ ёзинг!

### ОРЗУГА АЙБ ЙЎҚ

Икки ҳаваскор футболчи сұхбатлашиб қолди. Биринчиси деди:

- Мен худди акамга ўхшаб мингта гол уришни орзу қиласман.
- Ў, акан худди Пеледай зўр футболчи экан-да, қачон мингта гол урди?
- Нима деялсан? Акам мингта гол ургани йўқ шунча гол уришни орзу қиласми, холос.

### YON DAFTARCHANGIZGA

Ота билан орсиз талашар.

**Ўзбек халқ мақоли**